АДВОКАТЛИК ТУЗИЛМАЛАРИ БУХГАЛТЕРИЯСИДА, ТУШУМЛАР ВА ХАРАЖАТЛАР ХИСОБИНИ ЮРИТИШНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШ.

Тураев Шахриёр Шодиёрович

Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси Самарқанд вилоят ҳудудий бошқармаси бош бухгалтери. Мустақил тадқиқотчи.

Аннотация: мақолада адвокатлик тузилмаларида бухгалтерия хисобини такомиллаштириш ва уни оптималлаштириш мақсадида бухгалтерия хисобидаги 8800 – “Мақсадли тушумларни хисобга олувчи счётлар” таркибига 8850 – “Адвокатлик хизмат ҳақи тўловини ҳисобга олувчи счёт” ва 8860 – “Адвокатлик тузилмаси фонд тўловини хисобга олувчи счёт”лар ишчи счетларини киритиб бухгалтериядаги даромадлар ва харажатлар хисобини аниқлаштириш орқали такомиллаштирилди. Адвокатлик тузилмаларига адвокатлар томонидан топширилиши лозим молиявий хисоботларнинг бухгалтерия хужжатларида расмийлаштириш орқали уни муомилага киритишдаги энг кўлай тез ва оптималлашган хисоб ишлари ишлаб чиқилган. Адвокат номига келиб тушган хизмат хақининг миқдори, мижоз томонидан тўланиб хали иш тугамасдан молиявий хисоботга қўшилмаган қисми ва сарфлардан кейин адвокатлик фондининг қолдиқ қисми яққол кўринишлиги ишлаб чиқилган

Калит сўзлар: молиявий хисобот, бухгалтерия хужжатлари, хисобга олувчи счёт, тўланган, фонд қолдиғи.

Аннотация: В целях совершенствования и оптимизации учета в юридической профессии в статью включен раздел 8800 - «Счета учета целевых поступлений» в бухгалтерском учете8850 - «Учет счетов по оплате юридических услуг» и 8860 - «Учет счетов по оплате юридических услуг» усовершенствованы путем введения рабочих графиков и уточнения счетов доходов и расходов в бухгалтерском учете. Разработаны максимально быстрые и птимизированные бухгалтерские процедуры для регистрации финансовой отчетности, которую юристы обязаны представлять юридическим лицам в бухгалтерских документах, и ввода ее в оборот. Сумма гонорара за услуги, полученная на имя адвоката, часть, оплаченная клиентом, которая не была включена в финансовый отчет до завершения работы, и оставшаяся часть фонда адвоката после вычета расходов.

Ключевые слова: финансовый отчет, бухгалтерские документы, дебетовый счет, оплачено, остаток средств.

Annotation: In order to improve and optimize accounting in the legal profession, section 8800 - "Accounts for recording target receipts" in accounting has been included in the article; 8850 - "Accounting for accounts for payment of legal

ISSN 3030-3907

services" and 8860 - "Accounting for accounts for payment of legal services" have been improved by introducing work schedules and clarifying income and expense accounts in accounting. The fastest and most optimized accounting procedures have been developed for registering financial statements that lawyers are required to submit to legal entities in accounting documents and putting them into circulation. The amount of fees received in the attorney's name, the portion paid by the client that was not included in the financial statement until the work was completed, and the remainder of the attorney's fund after deducting expenses.
Keywords: financial report, accounting documents, debit account, paid, balance

Кириш

Жамият ривожланар экан хар бир соха биргаликда ривожланади, оптималлашади ва хар бир ишнинг қулай, осон, тезда самарали бажариш йўлларига ўтилади. Адвокатлик хизматларидан тушган гонорар-адвокатлик хизмат хақи тўловининг хисобга олиш, шу билан бирга адвокатлар томонидан тузилмага топширган фонд жамланмасини айланмада яққол кўринишини таъминлаш, бухгалтерия муомилаларини ихчам, ортиқча харакатларсиз унинг қулай йуллари орқали амалга ошириш мухум вазифалардан саналади. Хар бир корхона сингари адвокатлик тузилмаларининг бухгалтерия хисоб муомиласини юритишда оддий ва қўлай усуллардан фойдаланиш, бухгалтерия хисоб ишларини самарали ва интенсивлигига олиб келишлиги асосий масала саналади.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили. Ш.Мирзиёев 2017-2021 Ҳаракатлар стратегияси, Хван Л.Б., Солиқ Ҳуқуқи, Отахонов Ф.Ҳ. Юридик хизматнинг хўжалик шартномаларини тузиш ва уларнинг ижросини таъминлашдаги роли, Каримов И.А. “Адолат қонун устиворлигида” номли адабиётларда юридик хизматларини самарали ривожлантириш билан боғлиқ муаммолар, юридик хизматнинг назарий- ҳуқуқий муаммолари мавзусида илмий тадқиқот олиб борилмаган бўлса - да, Ўзбекистон Республикасида ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг умумназарий ва хусусий муаммолари Ш.Н.Бердияров, Ҳ.Б.Бобоев, М.С.Восиқова, И.Б.Зокиров Ў.Х.Мухамедов, З.Муқимов, Х.Т.Одилқориев, О.Оқюлов, Ф.А.Примов, Ф.Х.Рахимов, Х.Рахмонқулов, М.Х.Рахмонқулов, ва бошқаларнинг асарларида ўрганилган бўлиб, унда адвокатлик хизматларида фонд тўлови ва аъзолик бадал тўловлари уларнинг муоммоли масалалари ўрганилмаган. Бу эса, танланган мавзунинг хозирги кунда долзарблигини кўрсатади.

Тадқиқот методологияси. Мақолада иқтисодий математик ва статистик, анализ ва синтез, сабаб ва оқибат, замон ва макон, индукция ва

ISSN 3030-3907

дедукция, тизимли ёндошув, корреляция даражаси ва линия регрессия иқтисодий таҳлилнинг анъанавий, каби усуллардан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар. Корхона иш ёки хизматларни бажарар экан унинг натижаси хисобланган реализация қийматини олиш ва унга эгалик қилишни тезлаштириш асосий омиллардан бири саналади. Сотилган иш ёки хизматларни натижаси корхонага ўз вақтида берилмас экан унинг фаолиятини кескин орқага кетишига сабаб бўлади.

“Корхоналар молиявий ва хўжалик фаолиятини юритишда ривожлантиришда пул маблағларининг ўрни ҳамда аҳамияти бекиёсдир. Зеро, корхонанинг пул маблағлари қанчалик кўп бўлса, у шунчалик ўз фаолиятини янада равнақ топтириш, ҳисоб-китобларни ўз вақтида амалга ошириш имкониятига, яъни тўлов қобилиятига кўпроқ эга бўлади. Пул маблағлари эвазига корхонани модернизациялаш, янги техника ва технологияларни сотиб олиш, инновацияларни амалиётга жорий қилишга эришилади. Бундан ташқари, пул маблағларининг мавжудлиги корхоналарга инвесторлар сифатида ўз маблағларини бошқа корхоналарга йўналтиришга, шу йўл билан нафақат ўзлари қўшимча даромад олишларига, балки ўзга корхоналарни ҳам оёққа туришларига имкон беради. Пул маблағлари етарлича бўлмаган ёки умуман бўлмаган корхоналарнинг ўзга корхоналар, иқтисодий ҳамжамиятлар олдида ҳам нуфузи сезиларли бўлмайди. Пул маблағларига мунтазам равишда эга бўлмаслик корхоналарнинг давлат бюджети ва бошқа кредиторлар олдидаги қарзларини ошиб боришига, пировардида, банкротга учрашига олиб келади.

Турган жойига қараб пул маблағлари қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

• Кассадаги пул маблағлари - бу корхонанинг кунлик эҳтиёжлари учун зарур бўлган, турли мақсадлар ва манбалардан келиб тушган, белгиланган муддатлар ва миқдорларгача сақланадиган кассадаги пул маблағлари. Кассада сақланиши мумкин бўлган пул маблағларининг энг кичик миқдори касса лимити деб аталади ва у корхона томонидан аниқланиб, хизмат қилувчи банк билан тузилган шартномада кўрсатилади.

• Йўлдаги пул маблағлари бу корхона кассасидан банкга турли йўллар билан топширилган, масалан инкассаторлар орқали, алоқа бўлими орқали, банкнинг кечки кассалари орқали, лекинда ойнинг охирида ҳали ҳисоб-китоб счётига кирим қилинганлиги банк кўчирмаси билан тасдиқланмаган пул маблағлари. Пул маблағлари ҳисоб-китоб счётига кирим қилинган кундан бошлаб улар йўлдаги пул маблағлари гуруҳидан чиқарилади.

•Банкдаги пул маблағлари - бу корхонанинг хизмат қилувчи банкларда очилган депозит счётларида сақланаётган пул маблағлари. Корхона битта

ISSN 3030-3907

асосий, хоҳлаганча махсус депозит счётларни хизмат қилувчи банкларда очиши ва уларда ўз пул маблағларини сақлаши мумкин. Чет эл валютаси билан муомаларга эга бўлган корхоналар хизмат қилувчи банкларда битта асосий ва хоҳлаганча махсус валюта счётларни, масалан, конвертация учун, консигнацион товарлар учун, капитал қурилиш учун ва бошқа мақсадлар учун, очишлари мумкин.

2.5.-жадвал.

Касса операцияларини счётда акс эттириш.

№	Операциянинг мазмуни	Дебет счёт	Кредит счёт	Ёзувга асос бўлувчи счётлар
Пул маблағлари кирими				
1.1	Банкдаги ҳисоб-китоб счётидан	5010	5110	Кирим касса ордери
1.2.	Валюта счётидан	5020	5210	Кирим касса ордери
1.3.	Таъсисчилардан кирим қилинган таъсис бадаллар суммаси	5010	4610	Кирим касса ордери
1.4.	Товар, маҳсулот,иш ва хизматларни нақд пулга сотишдан олинган соф тушум суммаси	5010	1010-9030	Кирим касса ордери

Жадвалда корхона кассасига кирим банк, валюта хисобварағларидан таъсисчилар томонидан ва асосийси товар махсулот иш хизматларни сотишдан олинган нақд пулларни бухгалтерия муомиласи орқали ифодаланиши кўрсатилган.”

Хар бир корхонанинг ривожланиши уни олдига кўйилган фойдали мақсадларга эришишлиги учун, унда хизмат олиб борувчи ходимларнинг сони билан улчанмай унинг техника ва техналогиялардан унумли фойдаланиб иш ёки хизматларнинг таннархига нисбатан анча ва қўлай тарзда реализацияси билан, бу маблағларни ўз вақтида ташкилот хисобига тушиши билан мўҳим саналади.

Адвокатлик тузилмаси ҳисобига адвокат номига келиб тушган маблағ бу айнан тегишли адвокатнинг хизмат ҳақи тўлови бўлиб, уни ўрнатилган тартиб қонун доирасида сарфлаш адвокатнинг ўз ихтиёрида ҳисобланади ва адвокатлик тузилмаси тасири доирасида сарфланмайди. Ундан адвокатлик тузилмаси уни сақлаш фонди сифатида тузилма маъмурий-техник харажатлари учун ушлаб қолинади, қолган қисми адвокатга мехнат ҳақи сифатида берилади. Йиғилган фонднинг мақсади ва уни сарфланиши тузилма

ISSN 3030-3907

томонидан белгиланган тушумлар ва харажатлар сметаси асосида сарфлаш аниқ кўрсатилган бўлади, шунинг учун харажатлар сметаси ва штатлар жадвали асосида сарфланадиган маблағларни **САРФЛАР**- деб аталиши мақсадга мувофиқ саналади.

Адвокатлик тузилмаси бухгалтерия ҳужжатларини оптималлаштириш мақсадида адвокатлик хизматидан тушган тушум тузилма даромади саналмаганлигини, адвокатура фойда олувчи ташкилот эмаслигини, адвокатнинг номига келиб тушган гонарар-хизмат ҳақининг сарфланиш мақсадлари аниқ бўлганлигини ҳисобига уни мақсадли деб атаб, бухгалтерия хисоблар режасидаги мавжуд хисоб счётлардан 8800 – Мақсадли тушумларни ҳисобга олувчи тушумлар ҳисоб счётга қуйидаги янги иккита счёт тадбиқ қилиб уни бухгалтерия муомиласини ишлаб чиқдик.

8800	**МАҚСАДЛИ ТУШУМЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ СЧЁТЛАР**

8850

АДВОКАТЛИК ХИЗМАТ ҲАҚИ ТЎЛОВИНИ ҲИСОБГА ОЛИШ.

8860

АДВОКАТЛИК ТУЗИЛМАСИ ФОНД ТЎЛОВИНИ ХИСОБГА ОЛИШ.

1- расм. Адвокатлик хизмати ва тузилма фонд тўлови счётилари.

Бу расмда адвокатларга мижозлар томонидан хизмат ҳақи тўланганда унинг хисобини олувчи 5110 ёки 5010 счётлар билан муомилага киришувчи янги тавсия этилган 8850 ва адвокатлик тузилмасига фонд тўланганда ёки ушланганда муомилага киришувчи янги тавсия этилган 8860 счётларнинг кўриниши ишлаб чиқилган.

Адвокатлик тузилмаларига мос равишда янги счётлар киритиб қуйидагича бухгалтерия муомилаларига эришдик.

ISSN 3030-3907

1-жадвал.

Тузилма фонд тушуми ва уни тақсимланиши.

№	Ёзув мазмуни	Дт	Кт	СУММА (БҲМ) да
1	Адвокатга тўланган хизмат ҳақи тушуми	5110	8850	250
2	Адвокатлик тузилмасининг фонди тўплами	8850	8860	43,75
3	Адвокатнинг иш хақига нисбатан ижтимоий солиқ ушланмаси ҳисобланди	8850	6520.1	22,10
4	Адвокатга иш хаки ҳисобланди	8850	6710	184,15
5	Маъмурий техник ходимларга иш хақи ҳисобланди	8860	6710	34
6	Маъмурий техник ходимларнинг иш хакидан ижтимоий солиқ ажратмаси ҳисобланди	8860	6520	4,1
7	Банк хизмати, коммунал туловларга, идора ёзув ашёлари, хужалик ишлари, жихозлар сотиб олиш ва шу кабилар учун сарфланди	8860	4010-6010	5,65

Хар бир корхона у хизмат кўрсатуви ёки ишлаб чиқарувчи бўлишидан қатъий назар унинг мақсади корхонага даромад келтириш бу даромадлардан тушган маблағлардан корхона ишлаб чиқарган ёки хизмат кўрсатган махсулотнинг таннархини чегирган ҳолда фойда миқдорини ошириш таннархини минималлаштириб келажакдаги рақобатбардошлиликни ошириш эркин иқтисодиёт шароитига мослашиш, махсулот сифатини ва турини кўпайтиришдан иборат.


“Корхонада фойда турли хил фаолият натижасида олиниши мумкин. Барча фойдалар йиғиндиси корхонанинг ялпи фойдасини ташкил килади. Ялпи фойданинг таркибий элементлари куйидагилардан иборат:

- бажарилган иш, курсатилган хизмат ва махсулот сотишдан олинган фойда;
- асосий фондлар, шунингдек, корхонанинг бошка мулкни сотишдан олинган фойда;
- корхонанинг молиявий фаолияти оркали олинувчи фойда.

ISSN 3030-3907

Корхона даромади икки курсаткич, яъни махсулот бахоси ва уни ишлаб чикаришга сарфланувчи харажатларга боглик булади. Махсулотнинг бозордаги бахоси талаб ва таклиф муносабатлари натижасида келиб чикади. Эркин ракобат шароитларида бахони шакллантириш конунлари асосида махсулот бахоси ишлаб чикарувчи ёки харидор хохишига кура эмас, балки автоматик равишда тартибга солинади.”

Адвокатура нотижорат ташкилот бўлиб, ўз олдига фойда олишни мақсад қилмайди, адвокатлик хизматларини бажаришда унинг таннархини пасайтириш ёки мижознинг имкониятига қараб унинг тўлаган хизмат хақи учун маблағига яраша хизмат қилишни имкони йўқ. Бажарилаётган адвокатлик хизмати тўла тукис малакали равишда амалга оширилиши лозим. Адвокатлик тузилмаларига хизматдан тушган даромадни адвокатура даромади деб булмайди, балким унинг миқдори асосида адвокатнинг мехнат ҳақи унинг рағбати белгиланади. Бу эса адвокатлик тузилмаларининг фаолиятини фойда кўрмайдиган яъни зарар асосида ишлайдиган тузилмалар дейилиши асло нотўғри саналиб, **“адвокатўра фойдага асосланмаган, нафлилик даражаси юқори, харажатларини режа асосида қоплай оладиган ўзини-ўзи молиялаштирувчи тузилма”** -дейилиш мумкин. Адвокатура фойда олмаганлиги унинг нафлилик даражасини белгиламайди, чунки адвокат томонидан ушланган фоннинг биз адвокатлик тузилмасини нафлилик даражаси деб белгиладик. Бу нафлилик даражаси орқали адвокатлик тузилмалари узининг заруратидан келиб чиқиб барча маъмурий-хужалик харажатларни қоплайди. Хар бир фойда олувчи ташкилот ҳам узининг харажатларини фойдасини миқдорига қараб тақсимлайди. Буларни қиёсланганда фойда ортган сари корхонанинг имкониятлари кенгаяди, адвокатлик тузилма фонд тўплами кўпайган сари тузилмада кенг имкониятлар пайдо бўлади.



2-расм. Фойда ва нафнинг таксимланиши.

ISSN 3030-3907

Расмда корхоналар томонидан олинган фойданинг асосий сарфланиш мақсадлари кўрсатилган. Корхоналар томонидан олинган фойда лўнда қилиб айтганда солиқларга йўналтирилади қолган қисми корхонанинг ривожига сарфланади. Адвокатлик тузилмалар томонидан ҳам тўпланган фондлар маъмўрий-техник ходимларнинг иш хақига ундан тўланиши лозим солиқларга тузилма харажатларига ва унинг фаолият самарадорлигига сарфланади.

ФОЙДАЛАНГАН АДАБИЙОТЛАР РУЙХАТИ

Норматив-ҳуқуқий хужжатлар ва методологик аҳамиятга молик нашрлар

1. Ўзбекистон Республикаси Қонунлари

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 27 декабрь, 349-I-сон “АДВОКАТУРА ТЎҒРИСИДА” ги Қонуни.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари ва Қарорлари

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 майдаги ПФ-5441-сон “ Адвокатура институти самарадорлигини тубдан ошириш ва адвокатларнинг мустақиллигини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги фармони.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 19.01.2017й-2733-сонли қарори, “Юридик хизмат фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ- Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 19.01.2018 й.

3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг асарлари ва маърузалари.

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 488 б.

2. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-Ж. – Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2018.– 508 б.

4. Монография, илмий мақола, патент, илмий тўпламлар

1. К. Б. Уразов, М. Э. Пўлатов. Бухгалтерия ҳисоби. Дарслик. -Т.: «Fan va texnologiyalar nashriyotmatbaa uyi», 2021. 560 бет.

2. М.Қ.Пардаев, Қ.Ж.Мирзаев, О.Пардаев “Хизматлар сохаси иқтисодиёти”. Ўқув қулланма.Т. IQTISOD-MOLIYA 2014. 384-б.

ISSN 3030-3907